

Рамазон мактублари: Доим банд бўлган жисмга мактуб (3-қисм)



17:16 / 08.06.2018 4202

Доим банд бўлган жисм!

Қуръон ўқимоқчи бўлишинг билан дўстларинг сенга телефондаги хабарларни ёғдириб ташлайди. Сенинг ишда зарур ишинг чиқиб қолади, энага эса қўнғироқ қилиб келолмаслигини айтади, демак бугун масжидга таровеҳга чиқолмайсан, қолаверса онангга ифторликка ёрдамлашинг керак. Сен Қуръон ўқишни қолдириб турасан - доим сенга ҳалақит берадиган юмуш чиқиб қолади. Балки Рамазон ва Қуръон ойи сен учун бошқа ойлار кабидир, фақат кундузги рўзаси билан фарқ қилмаса. Балки ҳақиқатан ҳам оиланг ҳақида қайғуришинг керакдир ва Рамазон ойига ҳос бўлган амалларга вақтинг етмас. Ёки сен ишлашинг сабабли муқаддас Қуръонни ўқиш учун хаёлингни бир жойга жамлай олмайсан. Балки

фикрларинг ўқиш ёки курс иши билан банддир. Сен таҳажжуд намозига вақт топсангда хаёлинг курс ишининг бўлажак химояси билан банд. Алам қилади. Шу учун баъзида Рамазондан тўлиқ воз кечишни ҳоҳлаб қоласан: таровеҳдан, Қуръондан ва Рамазондаги бошқа ҳайрли амаллардан. Ҳадемай сен Расуллулоҳ соллалоҳу алайҳи васаллам айтган бандага айланиб қоласан:

"Баъзи рўзадрлар борки, уларга рўзаси учун очликдан ўзга нарса бўлмас. Баъзи тунда бедор бўлган борки, уларга бедорлиги учун уйқусизликдан ўзга нарса бўлмас" (Ибн Можа ривояти).

Рамазонда мўминлар қилиши лозим бўлган барча амалларни қилолмаганлиги учун савобдан бебаҳра қолдим деб ўйлаган киши Аллоҳ ҳақидаги тушунчасида адашаётган бўлади. Юқоридаги ҳадис ўзининг ёмон одатларини ташашга уринмаётган ёки ҳайрли иш қилмаётганларга таалуқлидир.

Аллоҳ эса Карийм Зотдир ва ниятларга яраша мукофтлайди. Агар Рамазонга катта умидлар билан кирган бўлсанг, аммо ҳайрли амалларни қилишингда нимадир тўсиқ бўлган бўлса, чин юракдан ният қилганинг учун ўша савобга эришасан. *Расуллулоҳ соллалоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:*

"Агар банда бир яхшилиқни ният қилиб, кейин уни қилмаса, Аллоҳ унга битта савоб ёзади. Агар қилса, Аллоҳ унга ўнтадан етти юзтагача савоб ёзади" (Бухорий ривояти).

Бу ҳадис фақатгина Рамазон ойига таалуқли эмас. Биламизки, бу ойда яхши амаллар учун ажрлар бир неча маротаба кўпайтириб берилади. Энди Рамазонда ҳайрли ниятларимиз учун Аллоҳ қанчалик кўп мукофотларга насибадор қилишини тасаввур қилиб кўринг. Арзимаган уринишинг ҳам аҳамиятга эга. Қуръон ўқиш учун ўн дақиқа ажратишга ҳаракат қилиб лекин бирор сабабдан бошқа ишга чалғиб қолишинг ҳам Аллоҳ таоло наздида катта аҳамият касб этади.

Ҳадисларда кўп бора айтиладики, оз билан бўлишганга мукофот кам куч сарфлаб кўп билан бўлишганга қараганда кўпроқ берилади. Аллоҳ учун сенинг ҳаракатинги сони эмас сифати эътиборлироқдир.

Яна шуни унутмагинки, оила ва иш билан боғлиқ юмушларни ҳолис бажариш ибодат мақомида баҳоланиши мумкин, қачонки ниятлар ҳайрга йўналтирилган бўлса.

Агар ҳаракатларингни ўзгартиролмасанг ниятларингни ўзгартир. Агар ишда ҳисобот топшириш керак бўлиб қолса ва шу сабабдан кечаси масжидга чиқолмасанг, ниятингни топшириқни сифатли бажаришга қарат ва ишингда бизга буюрилган эҳсон (комиллика интилиш) бўлишига ҳаракат қил.

Расуллулоҳ соллалоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

" Албатта, Аллоҳ чиройли иш қилувчиларни яхши кўради" (Байхақий ривояти).

Аллоҳнинг розилигини топиш учун қаттиқ ишлайсан ва бу Аллоҳнинг иродасидир. Агар фарзандларинг Қуръон ўқишга ҳалақит бераётган бўлса, сенинг ниятинг У учун қобил фарзанд тарбиялаш бўлсин. Марямнинг (алайҳа ас-салом) оналари Яратганга хитоб қилганини эсла:

“Эй Роббим! Албатта, мен қорнимдагини Ўзингга холис назр қилдим. Бас, мендан қабул эт. Албатта, Сенинг Ўзинг эшитувчи, билувчи зотсан” (Оли Имрон сураси, 35-оят).

Аллоҳ унинг дуоларини қабул қилган ҳолда деди: “Бас, уни Робби жуда яхши қабул қилди, ниҳоятда гўзал ўстирди” (Оли Имрон сураси, 37-оят).

“Ва Марян Имрон қизини (мисол келтирди)” (Таҳрим сураси, 12-оят).

Демак, сени ниятинг барча амалларингни зиёда қилади. Аллоҳ таоло учун бу осон.

Унутма, Рамазон сенга фойда келтириши керак. Шунинг учун ишга кетаётиб йўлда тафсирни тинглашинг ёки фарзандларинг ухлаганда Қуръон маъноларининг таржимасини ўқишинг, ёки бўлмаса машғулотлардаги танаффус пайтида чин қалбдан дуо қилиш учун вақт топишинг мумкин. Агар имконинг бўлса Рамазонни ҳайр-эҳсон ойи қил – қанчалик банд бўлсанг шунчалик кўп садақа қил. Хулқингни яхшилаш устида ишла, амалларингнинг сонини эмас сифатини ўйла. Агар ниятларингни амалга оширишда қийналсанг энг яхшиси Аллоҳга мурожаат қил. Унга сени ҳавф ва ражоингни айт, умидларинг ҳақида сўзла. Билгингки, Аллоҳ барча сўзларингни эшитиб туради, қалбингдан тилиннга чиқмаганини ҳам. Барчаси ҳисобга олинади. Модомики Рамазондан сен ўйлаганигдек натижа ололмаган бўлсанг ҳам, Аллоҳ Кариймдир, У сен кутмаган ажрларни ато этади, ин шаа Аллоҳ .

Ҳурмат билан,

Доим банд бўлган жисминг (ҳаракат қилишни тўхтатмайдиган).